

Намунавий лойиҳалар буйича арзон урта қаватли турар жой уйларни лойиҳалашнинг тамойиллари.

Магистр: Мавлонова Г. 101- БИ ва Арх гуруҳ

Илмий раҳбар: Тоштемуров Р.Т.

Ҳозирги кунда Республикани, улкан қурилиш майдонига ўхшатиш мумкин. Қурилаётган бинолар орасида нафақат турли хил типдаги турар жойлар, балки жамоат бинолари, ишлаб чиқариш ва саноат бинолари, завод ва фабрикалар, коммунал хўжалик ва энергетика, транспорт иншоотлари, кенг ва равон йўллар, ирригация ва қишлоқ агросаноатиқурилмоқда. Ҳар бир бино бир-биридан гўзал, чиройли ва шинам қилиб қурилмоқда.

Бугунги кунда нафақат бинолар, балки уларнинг туркумлари-меъморий ансамбллар вужудга келмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Термез, Ургенч, Қўқон ва бошқа шаҳарларда олиб борилаётган кенг шаҳарсозлик қурилишлари бунга ёрқин мисолдир.

Инсоният ва ҳаёт ривожланар экан қурилишлар кўлами пасаймайди, аксинча кенгайиб боради, биноларнинг янгидан-янги турлари ва типлари пайдо бўлмоқда.

Бу қурилишлар мамлакатимиз халқ хўжалиги ва иқтисодиётини ривожлантириш, мустаҳкамлашда, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашда, кенг кўламдаги, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда етакчи аҳамиятга эгадир. Биз бугун нафақат аجدодларимиз қурган тарихий ёдгорликлар ва эртакнамо шаҳарларимиз билан, балки янги авлод қурган ва қураётган замонавий биноларимиз, меъморий мажмуалар ва шаҳарларимиз билан ҳам тўла маънода фахрланишимиз мумкин. Энг муҳими бу улкан қурилишларни ўзимиздан етишиб чиққан талантли кадрлар-меъморлар ва муҳандис қурувчилар хал қилишмоқда.

Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш» тамойилида маҳалланинг урни алоҳида қурсатилган ва ишда ҳамда маҳала билан оиланинг умумий ривожланиши, жамиятимизга ҳос идеологик, ижтимоий-иқтисодий ва уз-узини бошқаришнинг фундаментал умумий ва кенг тарқалган жараёнлари комплекс олиб борилди. Улар турар жой уйлар ва ячейкаларининг намунавий ечимлари урта ва куп қаватли турар-жойларнинг оммавий қурилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчиси - республика аҳолисининг миллий маъданий-маъиший хусусиятлари ва анъаналарни, оила турмуш тарзига таъсир этади ва турар-жойга алоҳида талабларини қуяди ва аниқлайди: Табиий-иклим шароитлари турар-жой композицияси очик ва ёпиклиги, аҳолининг ёзги турмуш тарзи ва шаклларига боғлиқ хусусиятлар, демографик (оиланинг катталиги, ёш-жинси структураси - уч авлодли, тулик булмаган оилалар ва бошқалардан); миллий-маъданий-маъиший хусусиятлари (уй хужалилига, оила турмушига, унинг маъданий фаолиятига, муносабатига, оила ичида ва оиладан ташқаридаги таъсир хусусиятлари), оиланинг касбий йуналиши касбий, маданий ёки хужалик фаолият йуналишларини ҳисобга олиш керак.

Шундай экан, ҳар бир касб-кори эгаси, шу жумладан бўлажак қурувчилар ва меъморлар ҳам ўз касбларини мукаммал билишлари, чуқур малакавий маҳоратга эга бўлишлари лозим. Айни пайтда янги қурилаётган объектларни лойиҳалаш ва қурилиш сифатига талаблар ошиб бормоқда. Турар жой биноларини лойиҳалашнинг асосий мезонлари меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайдиган юқори даражадаги қулайликлар яратишни, капитал ва фойдаланиш харажатларининг пасайишига ва бино архитектуравий-бадий ечимларининг юқори даражада бўлишига кўмаклашувчи омиллар ҳисобланади.

XX асрда Ўзбекистон шаҳарлари жадал суратлар билан ўсиши натижасида урта ва куп каватли турар жой уйлар қурила бошлади ва унинг архитектурасига катта кизиқиш уйғотади. Шу даврда олимлар томонидан Ўзбекистон шаҳарларининг табиий - иқлим шароитларига мос ва хос бўлган уй소злик халқ тажрибаларининг тадқиқотлар қилинган ва жамланган. Масалан Бухоро анъанавий халқ уйлари шаҳар ва марказлари уйғунлиги ва узининг бетакрорлиги билан бошқа шаҳарлардан ажралиб туради. Уларнинг композицияси ярим ёпик ва ёпик характерли бўлиб, жазирама иссиқдан, куча шовқини ва чангдан ҳимояланган. Бундай (уйларда) ҳовлили-уйларда узининг микро иқлими бўлиб ва куннинг иссиқ вақтларида салқин бўлган. Хива анъанавий халқ уйларида узининг оптимал микроиқлимини ҳосил қилиш учун махсус система яратилган, масалан айвонлар ва ҳовлилар системаси.

XX асрнинг 30-40 йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тез суръатлар билан ривожланиши натижасида, урта каватли тураржой уйларига талаблар орта борди ва қурила бошлади.